

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
4 апрель

ЧОРШАНБА

№ 27 (13080)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтада, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва раънақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган "Ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳамisha миннатдорлик билан эслади. Бетакдор ижодкорнинг давлатимиз томонидан "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намояндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, адабий-маданий алоқаримизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда Ташкилий кўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида: "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадиий фильм суратга олиш;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюстини ўрнатиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хуна, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 апрель

... Китобида шундай ёзилган: ҳаво ва тупроқ ҳарорати 14 даражага келганда чигит экиш мумкин. Лекин, асл деҳқон симобли устун билан ҳароратни ўлчаб ўтирмайди. Қўлига бир сиким тупроқни оладида, ер етилганини, чигит қадаш пайти келганини дарров билади-қўяди. Тупроқнинг ўзи деҳқонга шивирлайди: "Бугун эк, бугундан кечиксанг, мавсум бўйи кечикасан", дейди...

Бу сиз суратда кўриб турган Бўка туманидаги "Маҳмадхон Муҳаммад" фермер хўжалиги раҳбари Маҳмадхон Хўжаевнинг гапи. Баҳорнинг ганимат кунларидан тўғри фойдаланиш ўрнига, шундай зарур вазифани ҳеч бир асоссиз орқага суриб, чигит экишни пайсалга солиб келаётган баъзи фермерлар суяги деҳқончиликда қотган Маҳмадхон аканинг гапларини бир мулоҳаза қилиб кўрсалар, ёмон бўлмасди.

Негаки, тупроқ нами қочиб, юзаси қуриб қолса, экилган чигит вақтида кўкармайди, ундириш учун чигит суви бериш керак бўлади. Чигит суви эса далани қотириб ташлайди, ёппасига кўчат олиб бўлмайди. Ала-оқибат, ҳосилнинг чўғи камайд. Бинобарин, йилдан йилнинг фарқи бўлади. Бу йил сув ҳисоби. Шу боис, барвақт эккан хирмон, кечикканлар армон қилади. Қолаверса, деҳқончилик асли таваккалчилик, дегани...

Қувонарлиси, айти пайтда Бўка туманидаги юзлаб фермер хўжаликлари деҳқонларни енг шимариб, барака уругини қадашни аллақачон бошлаб юборганлар. Мақсад шундайки,

БИР КУН ОЛДИН ЭККАН ҚИРҚ КУН АВВАЛ ХИРМОН УЯДИ

Буни тўғри англаган бўкалик деҳқонлар
бу йил чигит қадашни барвақт бошладилар



режалаштирилганидек 13 минг 925 гектар майдонга чигит экишни апрель ойининг биринчи ярмининг ўзидеёқ якунлаб олиш. Бунинг учун барча имконият ва ресурслар етарли: мавжуд техникалар мавсумга пухта тайёрланди, янги агро-техник ускуналар харид қилинди, ёқилғи-мойлаш ашёлари, минерал ўғитларнинг етарли захираси яратилди.

— Туманининг чигит экилади-

ган 22 та ҳудудининг аксариятида ер тайёрлаш ишлари якунланиб, белгиланган графикка мувофиқ чигит экиш тобора авж паллага кирмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича вилоят ҳокимининг Бўка туманидаги бош вакили Ғуломжон Мамажонов. — Бу ишларга 200 дан ортиқ тракторлар, шу жумладан, 150 га яқин сеялка жалб қилинган.

Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, туман бўйича чигит экишни 8-10 кун ичида тўлиқ якунлаш учун имкониятларимиз етарли. Бунга эришиш учун штабда мониторинг маркази ташкил этиб, кунлик экиш ҳажмларининг тўлиқ таҳлилларини юритаёмиз. Ҳудудларда техника, ёқилғи-мойлаш ашёлари, уруғлик ва минерал ўғитлар таъминотини тўлиқ назоратга олганмиз.

Тумандаги Ойхўжа Йўлдошев номли массивдаимиз. Мазкур ҳудудда жорий йилги пахта ҳосили учун 686,3 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Бунинг учун 26 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилган.

Давоми 2-бетда ➡

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар



Фермерлар маслаҳати:
«Қўшқатор»да гап кўп экан...



Вакиллар штаби масъуллари Ўктам Мавлонов
ҳамда Комил Маматкаримов кунлик таҳлил устида.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Вилоятимизнинг бир гуруҳ фидойи ёшлари Чиноз туманидаги "Сутбулоқ" маҳалласини ободонлаштириш ишлари-га муносиб ҳисса қўйди.

Обод қишлоқ

Тадбир доирасида ёшлар ушбу маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли уйлари-ни таъмирлаш — том алишти-риш, деворларни суваш, оқлаш ҳамда газ трубаларини бўяш каби ишларни бажардилар. Одамларнинг раҳматини эши-

тиш уларнинг ғайратига ғайрат бағишлади, дейиш мумкин.

— Икки нафар қизалоғим билан ёлғиз истиқомат қиламан, — дейди чинозлик Манзура Омонбоева. — Шароитимиз бир оз оғирлик қилиб, уйни таъмирлашга имконият бўлмаёт-

гани. Йигитлар биргалашиб деворларимизни қайта кўтариб, дарвозани яхши очилиб ёпиладиган қилиб беришди. Хонадонимизга фойз кирди. Бундан миннатдоримиз.

Ёшлар иттифоқининг "Обод қишлоқ" лойиҳаси доирасида айти кунгача вилоятимиз бўйича олтимишга яқин кам таъминланган оилалар уйлари таъмир-берилиб. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Шоира ОХУНЖОНОВА

Хушхабар

Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи Насиба Ўразматовани кўпчилик яхши танийди — зиёлилар орасида обрў-эътибор қозонган. У мактаб-гача таълим тизимида 30 йилдан зиёдроқ иш таърибасига эга.

«БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ» ПАРВОЗГА ШАЙ

Хўш, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотларга у қандай муносабатда?

— Соҳада кечаётган ўзгариш ва янгиланган хабардор бўлганим ҳамон қалбимда хусусий мактабгача таълим муассасаси очиш иштиёқи туғилди, — дейди у. — Ахир, соҳада катта таърибдор. Қолаверса, нодавлат таълим тизимининг афзаллиги шундаки, бундай масканларда бола билан ишлашнинг мутлақо бошқача, ўзига хос тизимини жорий қилиш мумкин. Албатта, давлат таълим муассасасининг ҳам қулай ва афзал томонлари бор. Лекин, кўп-лаб ота-оналар ўз фарзандига МТМларда индивидуал ёндашув, махсус дастурлар асосида олиб бориладиган таълим-тарбияни хоҳлайди.

Давоми 4-бетда ➡

Давоми 2-бетда ➡

РАҚАМЛАШТИРИШ «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Тахририятимизга Паркент тумани, Мустақиллик кўчаси, 39-уйда яшовчи Абдуғани Ашурматовдан шикоят хати келди.

Журналист суриштируви

менга берди, ҳеч қандай иш қилманг", деди. Қўлимдаги ҳужжатларга ишониб, унинг гапига парво қилмадим.

Кейинчалик, унинг бу гапи шунчаки дағдаға эмаслигини билиб, Республика прокуратурасига мурожаат қилдим. Аризам ўрганиш учун туман прокуратурасига юборилди. Туман прокурори "Қишлоқ қурилиш инвест"дан вакил қаҳриди. Вакил Ж. Маҳмудов "Қишлоқ қурилиш инвест" билан 11-уй-жой учун шартнома тузганини, 28-уй менга тегишли эканлигини айтди. Бу орада Ж. Маҳмудов уйида яшай бошлади. Яна "Қишлоқ қурилиш инвест"га бордим. "Тузилган шартномага кўра қуриб берган уйларидаги менга толиб беринлар", дедим. Компания Ж. Маҳмудовни судга берди. Фуқаролик ишлари бўйича Юқори

Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, "Ж. Ж. Маҳмудов ва оила аъзолари... 28-сонли уй-жойдан мажбурий тартибда кўчирилиши ва ундан давлат фойдасига 130 минг 240 сўм давлат божи ундирилиши" белгиланди.

Ж. Маҳмудов суд қароридан нозизи бўлиб, вилоят судининг апелляция инстанциясига ариза ёзди. 2016 йил 2 март кунли вилоят судининг судьяси А. Олимова раислигида ўтган йиғинда 3ф-123/16-сонли "Ажрим" баён қилинди. "Ажрим"нинг ўта мантиқсизлигидан асабларим бузилди.

"Биринчи инстанция суди... жавобгар оиласи билан фуқаро А. А. Ашурматовга хусусий мулк тариқасида тегишли бўлган 28-сонли уйда яшаётганлиги аниқланганлиги,

низоли тураржой мулкдори бўлган А. Ашурматовнинг мулк ҳуқуқи бузилганлигини асос қилиб олган бўлса-да, бироқ жавобгар оила аъзолари билан яшаб келаётган тураржойнинг тартиб рақами 11-эканлигига эътибор қаратмаган", деб ёзади А. Олимова. Аммо аслида "11" рақами "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўрнатилганига, уйнинг рақами "Қишлоқ қурилиш инвест" томонидан Бош режага кўра "28-сонли уй-жой" деб белгиланганига эътибор қаратмади.

"... 28-рақамли тураржой аслида қайси ҳудудда жойлашганлиги ва кимлар яшаб келишини аниқлаш ва низоли атрофлиқа тўлиқ кўриб чиқиш чораларини кўрмасдан шош-машшошларикка йўл қўйган", деб давом этади судья. Уйнинг қаерда жойлашгани, унда кимлар яшаётгани ҳаммага қандай равшан-ку, бунинг нимаси шошмашошарлик?

"...Низоли тураржой фуқаро А. Ашурматовнинг мулк бўлган тақдирда А. Ашурматовнинг шахсан

ўзи ёки унинг манфаатида прокурор судга даъво аризаси тақдим қилиши лозим бўлганлиги ҳам суднинг эътиборидан четда қолган", деб ёзилади ажримда. Мен ҳақимни талаб қилиб, "Қишлоқ қурилиш инвест"га мурожаат қилаялман. Улар эса судга. Судга ариза бермаганим гуноҳимми?

"Қишлоқ қурилиш инвест"нинг тегишли филиалини ишга манфаатдор шахс сифатида жалб қилиш чораларини кўрмаган", деб ёзилади ажримда. "Қишлоқ қурилиш инвест" Ж. Маҳмудовни судга бераяпти, унинг вакили тергов, суд жараёнида қатнашаётти, яна қандай чора кўриш керак эди?

Судья юқоридагилар ҳақида атрофлиқа суриштириб, масаланинг моҳиятини тушуниб, сўнг ажримнинг остига имзо чекиши лозим эмасми? Ё куракда турмайдиган вақтлар билан ҳаққоний ўтган суд қарорини бекор қилишдан кимлардир манфаатдор бўлганми?

ИЖТИМОИЙ ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан **БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ** ва **БОШҚА ИХТИЁРИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДА "НОЛЬ" ХАРИД** қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Тошкент вилоятида бўш турган давлат объектларига тадбиркорларни янада кўпроқ жалб этиш, ўтказиладиган танлов савдоларининг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 4 апрелига белгиланган танлов савдолари 2018 йилнинг 9 апрель куни соат 15.00 га қўчирилди. Хужжатларни қабул қилиш давом этмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-80-25, (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-75. САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	№	Объект номи	Объект маълумоти	Баланд савдо	Қарор	Мажбуриятлар			
						Объект катта-лиги (кв. м)	Объект катта-лиги (кв. м)	Инвестициявий муддат (йил)	Объект катта-лиги (кв. м)
Ангрэн шаҳри									
1	1	Ярим ертўла биноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 5/1-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	600	—	2	30
2	2	"Ушактеп" АЖИИТ учта ётқон биноси (якка оқимларга мўлжалланган)	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 5/2-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	3500	уй-жой	3	0
3	3	Соёқ "Резидентска" биринчи даражаси МТМ бино-иншоотлари	Ангрэн шаҳри, 5/4-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	6250	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	50
4	4	Соёқ 15-МТМ бино-иншоотлари	Ангрэн шаҳри, "Тўғай" МФЙ	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	25
5	5	20-мактаб эски биносининг бир қисми	Ангрэн шаҳри, "Нурчи" МФЙ, 5/1а-йлов	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	800	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	20
6	6	Соёқ 6-МТМ бино-иншоотлари	Ангрэн шаҳри, "Навбахор" МФЙ, Чесов-6	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	20
7	7	Ярим ертўла нутурар биноси	"Тўғай" МФЙ, 8-йлов, Хорам кўчаси, 18-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	100	—	1	2
8	8	Курилиш тугалланган мактаб биноси	Ангрэн шаҳри, "Беруний" МФЙ	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	1100	—	2	22
9	9	Ярим ертўла нутурар биноси 1-2 қисми	Ангрэн шаҳри, 4-йлов, 14-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	300	—	1	6
10	10	Ярим ертўла нутурар биноси	Ангрэн шаҳри, А. Навоий кўчаси, 12-й	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	70	—	1	6
11	11	Нутурар биноси	Ангрэн шаҳри, 5/3-йлов худуди	Ангрэн шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2000 12.07.2013 й (7-йлов)	30	—	1	3
Олмалик шаҳри									
12	1	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган лаборатория биноси	Олмалик шаҳри, "ТРЭ" маҳалласи	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	700	—	2	40
13	2	Соёқ 14-сонли боғча биноси	Олмалик шаҳри, А. Навоий кўчаси	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	420	болалар боғчаси дастлабки савдоси	6 ой	15
14	3	Ертўла биноси қисми	Олмалик шаҳри, Туркистон кўчаси, 6-й	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	150	—	2	8
15	4	Курунлар клубининг фойдаланилмаётган биноси	Олмалик шаҳри, Иттиҳод кўчаси, 9-й	Олмалик шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	1000	—	2	20
Оқдўғон тумани									
16	1	Фельдшерлик участкасининг бўш турган биноси	Оқдўғон тумани, Оқдўғон ҚФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	400	—	2	20
17	2	Ангрэн шаҳри кўчаларининг бўш турган 3-сонли оғирма биноси	Оқдўғон тумани, "Ушак" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й	500	—	2	30
18	3	Курилиш тугалланган сув саклаш биноси	Оқдўғон тумани, "Бак" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	15
19	4	Эски мактаб биноси	Оқдўғон тумани, Ангрэн номи МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	4 ой	27
20	5	Эски мактаб биноси	Оқдўғон тумани, "Телов" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	7 ой	27
21	6	Эски масжид биноси	Оқдўғон тумани, "Беруний" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	7 ой	12
22	7	Бархотрол мазор болалар маркази	Оқдўғон тумани, "Салом" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	7 ой	27
23	8	Эски боғча биноси	Оқдўғон тумани, "Чувалдоқ" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	6 ой	17
24	9	Хомийлик қилинган КВП биноси	Оқдўғон тумани, "Сўғдиқ" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	4 ой	14
25	10	Эски болалар боғчаси биноси	Оқдўғон тумани, "Сўғдиқ" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	7 ой	27
26	11	Эски болалар боғчаси биноси	Оқдўғон тумани, "Эйвек" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	6 ой	14
27	12	Эски масжид биноси	Оқдўғон тумани, "Сўғдиқ" МФЙ	Оқдўғон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	5 ой	14
Тошкент тумани									
28	1	АТС биноси	Тошкент тумани, Қўрсарой худуди, Шаффо-бик сувар кўчаси	Тошкент тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	275	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1,5	30
Поскет тумани									
29	1	Туғилган ПМК-Зини фойдаланилмаётган биноси	Поскет тумани, "Обе" маҳалласи	Поскет тумани ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	350	—	1,5	20
30	2	Соёқ Туркистон жамоа кўчаларининг жамура биноси	Поскет тумани, "Поскет" МФЙ	Поскет тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	700	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	13
31	3	Намуна кўчасида жойлашган илгарти қоллоқ қўраси	Поскет тумани, "Култепа" МФЙ	Поскет тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	500	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	6
32	4	Соёқ боғча биноси	Поскет тумани, "Дўстлик" МФЙ, Усат қишлоғи	Поскет тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	750	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	8
Бекобод тумани									
33	1	Эски мактаб биноси	Бекобод тумани, "Янги ҳаёт" ҚФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	800	—	3	25
34	2	Эски чойхона биноси	Бекобод тумани, Қай ҚФЙ, "Найман" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВМҚ-295 19.05.2017 й	250	—	1,5	6
35	3	Соёқ маҳалла идораси бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Хос" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	800	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	20
36	4	55-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бўш турган бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1200	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	20
37	5	Оилавий поликлиникаси	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, Бобур кўчаси, Маловон маркази	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1200	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	19
38	6	Соёқ масжид бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Қўқон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	19
39	7	Соёқ идора бино-иншоотлари	Бекобод тумани, "Билек-2" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1200	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	18
40	8	Автодансдорлар мактаби	Бекобод тумани, "Бўстон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	18
41	9	Соёқ Нурунхўра чойхонаси	Бекобод тумани, "Хотобод" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	600	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	14
42	10	Соёқ Нурунхўра чойхонаси	Бекобод тумани, "Забил" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	900	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	14
43	11	Соёқ боғча биноси	Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси, "Истиқлол" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	900	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	14
44	12	Фельдшерлик-акusherлик пункти бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Назаров МФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	50	—	2	5
45	13	Соёқ гараж биноси	Бекобод тумани, Бекобод аэропорт мажмуаси 2-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	300	—	2	10
46	14	Соёқ оғирма биноси	Бекобод тумани, Бекобод АСМ 4-бўлими	Бекобод тумани ҳокимлиги	ВМҚ-1040 31.12.2017 й	80	—	2	6
Бўстон тумани									
47	1	Соёқ 3-сонли мактабга таълим муассасаси	Бўстон тумани, "Тўғай" МФЙ	Бўстон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	5 ой	20
48	2	Курилиш тугалланган меҳмонхона бино-иншоотлари	Бўстон тумани, Чаман кўчаси	Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" ижтимоий ҳокимлиги	ПҚ-2340 28.04.2015 й (3-йлов)	3500	дастлабки савдоси 11 апрель	3	40
49	3	Соёқ мактабга таълим муассасаси биноси	Бўстон тумани, Ҳазратлар кўчаси, Жамбул кўчаси	Бўстон тумани ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	1000	болалар боғчаси дастлабки савдоси	5 ой	20
Бекобод шаҳри									
50	1	Курилиш тугалланган 2 қаватли болалар боғчаси бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, 14-й	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	ВМҚ-154 31.05.2012 й	225	—	2	35
51	2	Туғилган соёқ "Металлургия" МЧЖнинг бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, Аббосова кўчаси, 1-й	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	ПҚ-2000 12.07.2013 й	550	—	2	60
52	3	Бўш турган соёқ "Бекобод цемент" АЖИТ қарамли бўлган 1-сонли МТМ бино-иншоотлари	Бекобод шаҳри, "Пантеон" МФЙ, "Пантеон" МФЙ	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	ВХҚ-163 24.02.2018 й	350	болалар боғчаси дастлабки савдоси	1	10

Инвестиция қилиш шарти билан "ноль" харида қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция қилиш шартини тўғаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича қўйиб:

лик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-й. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртмамома тақдим этади:

- нодавлат юридик шахслар учун - қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- бизнес-режа муҳрланган конвертда, шунингдек, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифлари (таклиф қилинган соғиб олиш тўловлари суммаси ва уни тўлаш муддатлари, таклиф қилинаётган инвестиция мажбуриятлари суммаси, унинг шакли, муддати ва қилиш шартлари).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақ-

лари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-й.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 232-80-25, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80. Интернет тармоғидида веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 230-41-75 рақами Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Шунингдек, ҳудудий танлов комиссиясининг тегишли баённомалари билан Чирчик шаҳри, Электромашинасозлар кўчасида жойлашган соёқ стадион бино-иншоотлари бўйича фуқаро С. Сайдуллаев; Ангрэн шаҳри, Мактаб кўчасида жойлашган дўкон биноси бўйича "Дибрбек Бизнес Нур"; Охангарон тумани, Телов ҚФЙда жойлашган қурилиш тугалланмаган спорт зал биноси бўйича "Телов пол" МЧЖ; Ўрта Чирчик тумани, Истиклол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудудида жойлашган 19-мактабнинг бино-иншоотлари бўйича "Накимова Зуҳра" хусусий корхонаси; Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Ўзбекистон" қишлоқ варақлик пунктнинг бино-иншоотлари бўйича "Agrohimbarakat" оилавий корхонаси қўйиб деб эътироф этилганини маълум қиламиз.

«Ўзмилийбанк» Тошкент вилояти бўлими, Нурафшон шаҳрида 3 қаватли банк биносини қуриш учун смета-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади. Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 3 кун мобайнида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 29-й. Телефонлар: 252-77-20, (+99897) 733-09-59; факс: 252-77-21.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан 20.10.2016 йилда № 253/2622-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган, Оққўрғон тумани, Оққўрғон кўчасида жойлашган "SHOXRUXBEK SHERALI" (ИНН 304384065) деҳқон ҳўжалиги ихтиёрий равишда тугатилади.

Асос: жамият яқка таъсисчисининг 30.03.2018 йилдаги 1-сонли қарори.

Маълумот учун тел.: (+99890) 119-45-15.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан Марказий Осиё давлатларининг умумий манфаатларини бирлаштиришни кўзда тутган мақсадли учрашувларнинг дебочаси Қозоғистон пойтахти Астана шаҳрида бўлиб ўтган эди. Бу нуфузли халқаро анжуманда 2018 йил Қозоғистонда расман "Ўзбекистон йили" деб эълон қилиниши икки халқ ўртасидаги дўстона алоқалар-

зим Ҳабибуллаев ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али раҳбарлигидаги адабиёт, илм-фан, маданият ва санъат вакилларини қўтиб олган Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларга ривож тилаб, самимий дил изҳорларини баён этди.

– Бугунги илмий-амалий анжуманининг "Биз бир халқмиз: Амир Тему – буюк бунёдкор"

Бир дарахтнинг илдизларимиз

Кундан-кунга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган серқуёш Ўзбекистонимиздаги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган улугвор ишлар, эзгуликка йўғрилган саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда юксак баҳоланмоқда, эътироф этилмоқда. Дўстона алоқалар, яқин қўшничилик муносабатлари бугун авж паллага кўтарилган. Сўнгги йилларда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мамлакатлари аҳолиси билан эмин-эркин борди-келди қилиш имконияти яратилгани қалбларга эзгулик нуруни бахш этгани рост.



АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК, АБАДИЙ ЭҲТИРОМ

га янада кенг йўл очиб берди.

Шу маънода буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Тему таваллудининг 682 йиллиги олдидан Жанубий Қозоғистон вилоятида Ўзбекистон йили доирасида ўтказилган тадбирлар, учрашувлар улуг аждодларимиз меросига чуқур ҳурмат баробарида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш билан муҳим аҳамият касб этди. "Биз бир халқмиз: Амир Тему – буюк бунёдкор" мавзuidaги илмий-амалий анжуманга таклиф этилган Ўзбекистон Республикаси халқаро Амир Тему хайрия жамоат фонди раиси Но-

дея номланиши бежиз эмас, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али. – Соҳибқирон бобомизнинг Марказий Осиё ва Қозоғистон халқлари маънавияти ва маданиятини боийитган улуг аллома, буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидаги ўрни бекиёсдир.

– Анжуман баҳона қозоғистонлик дўст-биродарлар билан учрашиш, дилдан сўхбатлашиш имкониятига эга бўлди, – дейди Ўзбекистон халқаро Амир Тему хайрия жамоат фонди вилоят муассасаси раҳбари Муҳаббат Шоқосупова. – Амир Тему бобомиз юрган йўллар, бунёд этган тарихий обидалар, қа-

дамжолар, хусусан, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрати менда бекиёс таассурот қолдирди. Қозоғистонлик дўстларимизнинг Амир Тему сиймосига бўлган эҳтироми қалбимни фахру ифтихорга тўлдирди.

– Ном дунёга машҳур Аҳмад Яссавий ҳазратларининг мақбараси зиёрати бир умр ёдимда қолади, – дейди Бўстонлиқ туманилик оқин, шоир Сапарбек Иманбеков. – Бизни қучоқ очиб, самимий қўтиб олган қозоғистонлик дўст-биродарлар, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамияти ва халқаро Амир Тему хайрия

жағмарасининг Қозоғистон Республикасидаги бўлими раиси Икромжон Ҳошимжонов ташкилотчилигида ўтган тадбирлар таассуротлари ҳамон кўз олдимда. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоирнинг жўшқин шеърларидан кейин мен ҳам "Ўзбекистон – умумий уйимиз" туркумидаги шеърларимни ўқир эканман, чегара билмас дўстлик алёрлари, ўзаро самимий мулоқотлар, борди-келдилар фақат эзгулик хизмат қилишини чуқур ҳис этдим.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Қозоғистонда "Ўзбекистон йили"нинг очилиши ма-

росимида таъкидлаганидек: "Ота-боболаримиз бизнинг бугунги дўстлигимиз, самимий ва беғараз муносабатларимизни кўрганларида, албатта, қувонардилар..."

Ҳақиқатан ҳам шундай. Дўстона алоқалар насиб қилса, абадий давом этади. Яқин кунларда буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурунинг 682 йиллигига бағишланган тантаналарда энди қозоғистонлик, шуниингдек, қирғизистонлик, тожикистонлик меҳмонлар ҳам иштирок этади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Халқ ўйинлари

"Сўқоқ ёки Заркентда кўк сомса ёпиладиган тандирлар кўпми ёки кабоқ кўралари", деган саволга бу ердагилар ҳазиломуз шундай жавоб қайтарадилар: "Қайнаб турган самовар, қумгон ва қозонлар ҳам осмондаги варраклар сонига етмайди."

СЎҚОҚ ОСМОНИДА ВАРРАКЛАР РАҚСИ

Айни баҳор кунларида туманининг кенг қир-адирларида варрак учтириш ўзига хос анъанага айланиб кетган. Ўзлаб ранг-баранг варраклар шакл ва ҳажми билан ўзига хос гўзаллик кашф этади. Улар учтириш баландлиги, турфа ҳаракатлари билан кўпчиликни ўзига ром қилади. Шу боис, бу тадбирга чет эллик меҳмонлар ҳам таклиф этилмоқдалар.



– Германиядан сайёҳларни олиб келдим, – дейди тошкентлик тадбиркор Рустам Самадов. – Мамлакатимизнинг гўзал гўшалари, халқимизнинг турфа урф-одатлари каби мусаффо осмонимиздаги варраклар рақси ҳам уларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Уч ва тўрт бурчакли, қушсимон, учтиш техникаларига монанд варраклар одамларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, мароқли дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда, десак муболага бўлмайди. Сўқоқ кабоқ, булоқ сувларидан дамланган қайноқ чой ҳар қандай одамга ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Ирода МУҲАММАДИЗОВА,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси

Ички туризм: ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОН

Президентимизнинг "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ушбу соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида бир қатор ташкилот, корхона ва таълим муассасалари ходимлари, ўқувчи-талабалар юртимиздаги қадимий шаҳарларга саёҳат уюштиришмоқда.

Мисол учун, Ўрта Чирчиқ

туманидаги 52-мактабнинг бир гуруҳ – 45 нафар ўқитувчи ва ўқувчилари кўҳна ва навқирон Самарқандга сафар қилишди.

– Ушбу саёҳатдан асосий мақсад ўқувчиларни маънавий меросимиз, мамлакатимизнинг тарихий ва муқаддас гўшалари билан яқиндан таништиришдан иб-

ратдир, – дейди мактаб директори Гулҳебра Тўракулова. – Болаларнинг тақлифини инобатга олиб, Самарқандни танладик. Бу ерда ўқувчилар Регистон майдони, Имом ал-Бухорий, Бибиҳоним ва Хўжа Дониёр мақбаралари каби бир нечта обидаларни зиёрат қилдилар. Бундай саёҳатлар фарзандларимизни асрлар оша бизгача етиб келган маданий объектлар тўғрисидаги билимини янада оширишга хизмат қилади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов тахсил ол-

ган мактабга ташриф буорган саёҳатчилар бу ерда ташкил қилинган музейда буюк зотнинг ўқувчилик даврига оид кўплаб маълумотлар билан танишдилар.

– Самарқандга келишни кўпдан бери орзу қилардим, – дейди 52-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Робия Ҳасимова. – Устозларнинг саъй-ҳаракати билан орзум амалга ошди. Буюк аждодларимиз бунёд этган мажмуаларни яқиндан кўриш бошқача бўлар экан.

Зухриддин РАҲМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Чоршанба 4 апрель	Пайшанба 5 апрель	Жума 6 апрель	Шанба 7 апрель	Якшанба 8 апрель	Душанба 9 апрель	Сешанба 10 апрель
+ 25° + 11°	+ 26° + 13°	+ 21° + 12°	+ 14° + 10°	+ 16° + 10°	+ 16° + 9°	+ 16° + 7°

Ана шу "Аҳрим" ҳақиқатни рўёбга чиқаришда менга улкан тўсиқ бўлди. Судьялар ҳудди ана шу аҳримни асос қилиб, ҳақиқатдан кўз юмаверди. Жумладан, 2016 йил 8 июнда Юқори Чирчиқ туманлараро суди давво аризамни рад этди. Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 5 августдаги аҳрими билан ушбу қарорни ўзгартирсиз қолдирди. 2018 йил 16 январда Паркент тумани маъмурий суди, "А. Ашурматовнинг шикоятдаги талаби, фуқаролик судида муҳокама қилинганлиги, бугунги кунда ушбу қарор кучда эканлиги учун ишни иш юритишдан тўхтатиш" ҳақида аҳрим чиқарди. Ҳатто судья "Қишлоқ қурилиш инвестицияси" филиали юристи Музаффар Муҳаммаджоновнинг: "Конун ҳужжатларига кўра, ҳар бир қуриладиган уй олдиндан рақамланади. Бу рақамлар фақат ҳокимнинг қарори билан ўзгартирилади. Асосий шартнома ана шу рақамланган уйга нисбатан тузилди. 28-уй конун бўйича А. Ашурматовга тегишли. Ж. Махмудов билан эса, 11-уйга шартнома қилинган. Аслида у А. Ашурматовнинг уйини эгаллаб олган", деган гапларига пинак ҳам бузмади.

Паркент тумани ҳокими Нёзматжон Абдуллаевнинг 2017 йил 27 июнда: "...намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларнинг бош режасига асосан 11-сонли уйнинг кадастр ҳужжатларида техник хатolikка йўл қўйилганлиги маълум бўлди", деб ёзган хатига эътибор бермади.

Ҳурматли тахририят! Кейинги пайтда қаерга бош уришни билмай қолдим. Ушбу масалани ўрганиб, муқаддас қонунларимиз бир томонда қолиб, оқни қора, қорани

оқ деб ҳисоблаётганларга ҳақиқатни ошкор қилишимизда амалий ёрдам беришингизни сўрайман..." Масалани ўрганиш учун Паркентга бордик. Туман ҳокими йиғилишда экан. Унинг ёрдамчиси Жаҳонгир Аҳмедовга туман ҳокимининг 2015 йил 4 июндаги фуқароларга уй-жойга мулк ҳуқуқини берувчи қарорлар билан танишмоқчи эканлигини айтдик. Масалага дахлдор мутасаддиларга рўбарў қилишни илтимос қилдик.

– Ҳамма йиғилишда! – Жаҳонгир гапни қисқа қилди. Қутишни бошладик. Орадан икки соатлар ўтиб, эллик ёшлардаги киши кириб келди. – Бу киши туман кадастр бўлимининг бошлиғи Фарход Жўраев бўлади, – Жаҳонгирга жон кирди. – Сизлар айтган қарорлар буларда ҳам бор.

Фарходжон бу гапни тасдиқлади. Хонасига боргач, биз сўраган қарор нусхаларини қўлимизга тутқазди.

– Битта нарсаси аниқлик киритиб берсангиз, – дедик унга. – Янги қурилган уйларни қайси ташкилот рақамлайди?

– Туман ободонлаштириш бўлими! – деди Ф. Жўраев қатъий оҳангда. – Меники ҳам 28-уй экан, ёзувини ободонлаштиришдан келиб, ташлаб кетди.

Ободонлаштириш бошқармаси инженери Дилмурод Умаровга Фарходжоннинг гапини айтсак, бош чайкади:

– Бекорларни айтибди. Ўша Фарход Жўраевнинг ташкилоти уй-

жойларнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлайди, уларни рақамлайди! Хуллас, одатдаги сансалорлик! Жанжалга сабабчи бўлган уйларни бориб кўрдик. А. Ашурматов айтган Ж. Махмудовга тегишли 11-уй ташландик ҳолатда. Рақами "11" га алмаштирилган 28-уйда Ж. Махмудов истиқомат қилмоқда.

Ўрганаётган масаламиз рақамларга боғлиқ кетгани учун, рақамдаги чалқашликка ечим топишга ҳаракат қилдик. "Истиқбол" ма-

жойлар 2013 йилда фойдаланишга топширилган бўлса-да! Ҳокимга, "Шу уй-жойларни маҳалламизга ўтказиб бering", деб икки марта мурожаат қилдим. "Қолгани ҳам битсин, бирийла ўтказиб берамиз", деди. Бу хонадонлар бизга қарашли бўлмагандан кейин, уларнинг жанжалига қандай аралашамиз?

– Мен ўшанда ҳам ишлардим, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси котибаси Нилуфар Махсудова. – Ишонасизларми, уларнинг келишидан олдин, туман бўйича эмас, вилоят бўйича ҳашар уюштирилди.

РАҚАМЛАШТИРИШ «ОПЕРАЦИЯ»СИ

ҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Эшматов билан суҳбатлашдик.

– Мен бу ишга ўтганимга энди икки йил бўлди, – деди Шарофиддин ака. – 2013 йилнинг 14 апрелида "Осиё Тараққиёт банки" вакиллари маҳалламизда қурилган намунали уйлар билан танишадиган бўлди. Ҳокимликнинг топширигига биноан уйлар рақамланди. Шунда уларнинг рақамлари алмашиб қолган бўлиши мумкин. Бунақа чалқашликдан яна битта бор: Элёр Жўраев билан Эргаш Меҳмонлар ҳам ана шу масалада тортишарпти.

– Бунақа тортишувлар маҳаллада ҳал қилинса бўлади-ку! – дедик. – Ҳал қилса бўлади, аммо... – Шарофиддин ака бир оз ўйлади. – Ҳозиргача бунақа уйлардан 126 таси қуриб, битказилди. Яна 2 та 32 хонадонли уй қуриляпти. Аммо, уларнинг бирортаси ҳам хали маҳалламиз тасарруфига ўтмаган. (Уй-

жойлар 2013 йилда фойдаланишга топширилган бўлса-да!) Ҳокимга, "Шу уй-жойларни маҳалламизга ўтказиб бering", деб икки марта мурожаат қилдим. "Қолгани ҳам битсин, бирийла ўтказиб берамиз", деди. Бу хонадонлар бизга қарашли бўлмагандан кейин, уларнинг жанжалига қандай аралашамиз?

– Мен ўшанда ҳам ишлардим, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси котибаси Нилуфар Махсудова. – Ишонасизларми, уларнинг келишидан олдин, туман бўйича эмас, вилоят бўйича ҳашар уюштирилди.

– Мен ўшанда ҳам ишлардим, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси котибаси Нилуфар Махсудова. – Ишонасизларми, уларнинг келишидан олдин, туман бўйича эмас, вилоят бўйича ҳашар уюштирилди.

Бошда ишлар жуда силлиқ кечди. А. Ашурматов 28-, Ж. Махмудов 11-уйга қонуний эгаллик ҳуқуқини қўлга киритади. Бу орада, маҳалла оқсоқоли таъкидлаганидек, 2013 йилнинг 14 апрелида "Осиё Тараққиёт банки" вакиллари янги қурилган уй-жойлар билан танишиш учун келади. Бунгача янги қурилган уйлар қайтадан пардозланади, кўчаларга бетон ариқлар ётқизилади, асфальт босилади. Шунинг баробарида, "Ҳокимиятдан айтиди", деган оғзаки кўрсатмага

биноан уйлар рақамланади. Рақамланганда ҳам "қўлбала" қилиб рақамланади. Яъни, боришингизда чап томонда маҳалла идораси бўлса, унинг пештоқиға "1-А" рақами ўрнатилади. Унга девор қўшни бўлган уйга "1", унинг ёнидагисига "2, 3, 4..." тарзда рақамланаверади. Аслида, чап томондаги уйларга тоқ, ўнг томондагисига жуфт рақамлар ўрнатиш лозимлиги ўйлаб ҳам қўрилмайди. Энг ёмони, "Уйлар "Қишлоқ қурилиш инвестицияси" томонидан рақамланган. Шу рақамларга кўра, уй эгалари билан шартнома тузилган. Бу рақамларни ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!" деган гап ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Натихада, "Қишлоқ қурилиш инвестицияси" томонидан рақамланган 28-уй пештоқиға "11" рақами муҳрланади. Ж. Махмудов 11-уйга эгаллик қилиш ҳақида ҳужжатлари билан ушбу уйга кириб яшайверади. А. Ашурматов эса, кўчада қолиб, "Бу уй шартнома бўйича менга қарашли", деб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаатини бошлайди. Судьялар Ж. Махмудов қўлидаги ҳужжатлар билан танишган, пештоқиға "11" рақами осилган уйни бориб кўрган – ҳаммаси қонуний. А. Ашурматовга рад жавобини бераверган! Тегишли масъул ташкилотлар томонидан тасдиқланган, қурилишнинг бош режаси – асосий ҳужжатга бир бора кўз ташлаб қўйишни "унутишган..."

Мана, сизга 2015 йилнинг апрелида бошланиб, уч йилдан буён давом этаётган можаронинг қисқача тарихи! Бу "тарих"ни мутасаддилар балки энди диққат билан ўқиб, масалага масъулият билан ёндашишар?

Саид МУҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

ЯШИЛ МАЙДОН МАЛИКАЛАРИ

Бекободнинг "Металлург-В" жамоаси футболчи қизлари Ўзбекистон Суперкубогини кўлга киритди.

Ўтган мавсумда футбол бўйича аёллар ўртаси миллий чемпионат қолиби ва мамлакат кубоги соҳибига айланган "Металлург-В" қизлари Ўзбекистон Суперкубоги учун ўтказилган учрашуда пойтахтнинг "Бунёдкор" жамоаси билан беллашди.

Ҳал қилувчи учрашуда ҳар иккала жамоа ҳам галаба учун бор имкониятини намойиш қилди. Бекободлик чарм тўп усталарининг саъй-ҳаракатлари биринчи бўлимда ўз самарасини

берди. Уйиннинг 33-дақиқасида рақиб ҳужумини қайтаришга чоғланган "Бунёдкор" футболчиси Луиза Садинова ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. Шундай бўлса-да, пойтахтликлар таънафусгача ҳисобни тенглаштиришди.

Иккинчи бўлимда жамоамиз ҳужумчиси Нозимахон Эргашева галаба тўпини киритди ва бу "Металлург-В" жамоасига иккинчи бор мамлакат Суперкубогини тақдим этди.



Мотокросс бўйича юздан ортиқ спортчи иштирокида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати ва биринчилигининг иккинчи босқичида вилоятимиз спортчилари ҳам муваффақият қозонди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛМАДИ

Мусобақаларда қатнашчилар турли ёш тоифаларида, етти синфдаги мотоциклларда қолиб қолган учураш олиб боришди. Қизгин ўтган пойғалар натижасига кўра, вилоятимиз мотопойгачиларидан Андрей Сазонов икки марта, Швекет Сулейманов бир марта шохсупанинг энг юқори по-

ғонасига кўтарилди. Абдорбек Жуманов ва Денис Перцев маррага иккинчи келди.

Умумжамоа ҳисобида 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида вилоятимиз жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ўз мухбири



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 674 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят қўшмаътери марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Холмурод САЛИМОВ
Нозаратчи мусахх
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ